

**Чирчик давлат педагогика университети ҳузуридаги
ўқув-психологик марказда олиб борилаётган фаолиятлар ҳақида
маълумот**

Ўқув-психологик марказининг фаолияти бир неча йўналишларда олиб борилмоқда.

1. Психологик консультация (маслаҳат) ва муаммоларнинг ижтимоий-психологик фаол усуллари (методлари), психокоррекция, психодиагностика, психологик усуллар.

- Талабаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психологик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

- Ўқув-психологик марказда устоз-шогирд тизими бўйича ишлар олиб борилмоқда:

- Ўқитувчи ва талаба томонидан ҳарбий хизматматчилар, умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва алоҳида ўқувчилари, университетнинг сиртки талабалари учун психологик тренинглар, энэржайзерлар, невротик ҳолатларни бартараф қилиш учун психосоматик методлар ўтказилиб келинмоқда.

- Талаба ва магистрлар психологик марказда Психология кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан маслаҳатлар олишмоқда.



- Аҳолига психологик маслаҳат ёки муаммоли вазиятларга ёрдам бериш вазифаси (масалан, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола-ота-она муносабатлари, руҳий саломатлик ва бошқалар.), психологик жараёнларни аниқлаштириш. Маслаҳат турли йўналишларда қўлланилиши мумкин – ижобий психология, клиник, чуқур ва бошқалар. ва осон терапевтик таъсирга эга.

Марказда олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари, талабалари ва аҳолининг психологик маданий савиясини кўтаришга қаратилган. Ўқув-психологик марказда олиб борилаётган ишлар куйидаги шаклларда амалга оширилиб бормоқда: профессор-ўқитувчилар, талабалар ва психологлар иштирокида психологик семинарлар ўтказилмоқда; психотуркум маърузалар ва семинарлар ташкил қилинмоқда; ота-оналар билан маърифий суҳбатлар уюштирилмоқда.

2. Арт терапия. Бу психологияда психокоррекция усули. Ўқув-психологик маркази фаолиятида арт терапия аллақачон бир неча марта яхши натижалар кўрсатган метод. Муомала жараёнида арт (санъат)нинг деярли барча турлари инсоннинг руҳий-эмоционал ҳолатини яхшилашда ишлатилиб келинмоқда. Беморнинг ички муаммоларига ижобий таъсир кўрсатади, қўрқувларини, хоҳиш-истакларини ва мақсадларини англашга ёрдам бериб келмоқда. **(ижодий йўллар орқали даволаш учун алоҳида хоналар кк).** Марказда нафақат кичик ёшдагилар, катталарда қоғозда ҳар қандай: ғазаб ва қувонч, ғазаб ва севги ҳис-туйғуларини ифода қилиш имкони яратишга ҳаракат қилаёпмиз. (Бунда инсоннинг бадиий қобилияти бор ёки йўқлиги муҳим эмас.

- артпедагогикада урғу санъатни ўзлаштириш буйча коррекцион ишлар (ўзининг рефлексив хис-туйғулари, кечинмалари, фикрлари, дунёга ва ўзига бўлган муносабатини акс эттириш) -кўникма ва қобилиятларни эгаллашга, хиссий, сенсомоторли, хиссий-интеллектуал соҳалардаги камчиликларни қоплашга ёрдамберади;

- новербал мулоқот воситаси саналиб, бу уни етарлича яхши гапира олмайдиган, ўз тажрибаларини оғзаки тавсифлашда қийналадиганлар учун ёки, аксинча, оғзаки мулоқот билан ҳаддан ташқари боғлиқ бўлганлар учун самарасини бермоқда. Артнинг бу тури- ўз-ўзини эркин ифода этишни англатади, ишонч, юқори бағрикенглик ва инсоннинг ички дунёсига эътибор беришга ундайди. (бу расмлар 2-мактаб –лабаратория ишларини утказилган)



3.
ўқув

“IT PARK”
марказимизда

замонавий касбларга қизиқувчи ёшларга IT (Information Technology) соҳасини ўргатади. Ушбу йўналиш бўйича ўқув марказимизда олиб борилаётган ишлар қуйидагилардан иборат:

- Компьютер саводхонлиги йўналиши- курс давомийлиги 2 ой. Ушбу курсда компьютерни тузилиши, йиғиш, Office дастурлари (Microsoft Word, Microsoft Excel) ўргатилади;

- Дастурлаш йўналиши- курс давомийлиги 6 ой. Ушбу курс давомида Frontend, Backend, Web+график дизайн, 3D моделлаш бўйича дарслар ўтилади.

- Ёшлар ишлари агентлиги Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан 40 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга бепул таълим бериб келмоқда.

